

ИҚЛІМ ЎЗГАРИШИ ШАРОИТИДА АСАЛАРИЧИЛИК ТАРМОҒИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРІЙ ЭТИШ ЗАРУРИЯТИ

Жонибек Фарманов
 Мустақил тадқиқотчи

Аннотация

Мақолада асаларичилик тармоғини иқлим үзгаришига таъсири бўйича муроҳазалар баён этилган. Иқлим үзгариши шароитида асаларичиликда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун тармоқда рақамли технологияларнинг жорий этиш зарурияти ва аҳамияти очиб берилган.

Калит сўзлар: асаларичилик, асал, гул шираси, самарадорлик, иқлим үзгариши, рақамли технология, 3D қурилмалари, сунъий йўлдош новигацияси, Big Data.

Кириш

Асаларичилик тармоғи қишлоқ хўжалигининг ажралмас бўғини сифатида иқлим үзгаришларига жуда таъсирчан тармоқлардан бири саналади. Иқлим үзгаришлари асалари озуқаси, гул ширасининг шаклланиш миқдори ва муддатига бевосита таъсир кўрсатиши сабабли республика минтақалари ўртасида асаларичилик тармоғи самарадорлигини оширишга ҳам янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Хусусан, қиши мавсуми нисбатан илиқ келадиган минтақаларда асаларининг уйқуга кетмаслиги, фаоллигининг сусаймаслиги баҳор мавсумида тўлиқ қувватда асал йиғишига замин яратиб берса, қиши мавсуми совук минтақаларда эса алоҳида технологияларни, қўшимча озуқаларни талаб этади.

Юқоридаги каби ҳолатлар асаларичиликда ҳам глобал иқлим үзгаришларининг салбий таъсири йилдан йилга ёққол сезилиб бораётганлигини, бу гул ширасининг камайиши, ўсимликларнинг гуллаш мавсуми үзгариши сабабли қийинчиликлар туғдиришини кузатишимииз мумкин.

Асосий қисм

Глобал иқлим үзгаришларининг яна бир эътиборли жиҳати мавжудки, у асаларичиликдаги энг оғриқли нуқталардан бири саналади. Бу экологик муаммолар фонида ўсимликларни қўшимча озиқлантириш (суспензия бериш), кимёвий воситалардан кенгроқ фойдаланиш, препаратлар ва ўғитлар сарфининг ортиб боришида намаён бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида асалари оиласарининг нобуттарчилиги, шира сифати ҳамда бошқа кўрсаткичларига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ўз навбатида фан-техника тараққиёти, дунё миқиёсидаги тармоқларнинг интеграциялашуви, илмий натижаларни мобиллигининг ортиши, илмий изланишлар кўламининг ортиб бораётганлиги, ноно ва биотехнологияларнинг ривожланиши шароитида иқлим ўзгаришлари натижасида юзага келаётган салбий оқибатлар ва унга қарши қўрилаётган чораларнинг бошқа тармоқларга таъсирини минималлаштиришга қаратилган тадқиқотлар ўзининг самарасини бериб бормоқда.

Айниқса ривожланишнинг сўнгги декадасида рақамли технологияларнинг, масофавий қурилмаларнинг ривожланиши инсон омилини, аралашувини камайтириб, маълумотлар аниқлиги ҳамда муддатини қисқаришига замин яратиб берди. Бугунги кунда иқтисодиётнинг рақамли технологиялар кириб бормаган соҳаси, жорий қилинмаган йўналиши қолмаган бўлиб, ривожланган давлатлар биздан 10 йиллар олдинга ўтиб, салмоқли натижаларга эришган. Бошқача қилиб айтганда тадқиқот ўтказиш, инновацияни яратиш, синов ва жорий қилиш босқичларидан ўтган ҳамда ўзининг амалий тажрибаларига эга. Бунинг ҳам ижобий ва ҳам салбий томонлари мавжуд бўлиб, бу уларнинг тажрибаларидан фойдаланиш, хатоларини такрорламаслик учун илмий база яратилган бўлса, салбий томони соҳа мутахассислари, олимлари, амалий кўникмага эга малакали ходимларни шаклланиши ҳам узоқ вақт талаб этади.

Шу боис ривожланган давлатлар тажрибаларини жорий этиш учун дастлабки қадамларни қўйиш, бирламчи тажрибаларни шакллантириш, кўникмаларни ҳосил қила олиш, етук маҳаллий мутахассисларни тайёрлаб бориши долзарб йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда.

Асаларичиликни иқлим ўзгаришларига мослаштириш борасида ривожланган давлатлар тажрибаларига эътибор қаратадиган бўлсак, икки хил йўналишда стратегик йўналиш белгилаб олинганинг кўришимиз мумкин. Биринчиси бу органик маҳсулот етиштириш йўналиши бўлса, иккинчиси бу ишлаб чиқаришни технологик куроллантириш, рақамлаштириш ҳисобланади.

Мамлакатимиз шароитида органик маҳсулот етиштириш учун табиий шарт-шароитлар, ўрмонзорлар, гул манбаига бой бўлган тоғли ҳудудлар мавжуд эмаслиги шароитида тармоқни ривожланиши нисбатан мушкул саналади. Иккинчи йўналиш эса бугунги кундаги энг долзарб ва кечикириб бўлмайдиган вазифалардан бирига айланиб бормоқда.

Тадқиқотлар кўрсатишича асаларичиликда рақамли технологияларни қўллаш масаласи БМТ томонидан белгиланган 2030 йилгача бўлган глобал барқарор ривожланиш мақсадларига мос келади ва бошқа нарсалар қаторида экотизимларни қўллаб-куватлаш ва биологик хилма-хилликни сақлаш билан боғлиқ йўналишлардан бири ҳисобланади [1].

ФАО мутахассисларнинг фикрича, дунёнинг барча мамлакатларида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг экстенсив даври тарихга айланиб, уни ривожлантиришнинг “ақлли” даврига ўтиш эса, бугунги кун талаби ҳисобланади. Аҳоли сонининг ортиб бориши шароитида қишлоқ хўжалигига замонавий технологияларга бўлган талаб ортиб бормоқда [2].

Future Market Insights таҳлил компаниясининг ҳисоб китобларига кўра 2016 йилда дунё бўйича ақлли қишлоқ хўжалигини жорий этиш учун глобал бозор қиймати таҳминан 13 млрд АҚШ долларига баҳоланган бўлса, 2026 йилга бориб, бу кўрсаткич 40 млрд. АҚШ долларига етиши кутилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра келгуси йилларда мазкур соҳанинг йиллик ўсиш суръатлари таҳминан 11,2 фоизни ташкил этади [3].

Умуман олганда мамлакатимизда асаларичилик тармоғига рақамли қурилмаларни кенг жорий этиш, ақлли воситалардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнига инсон омилини камайтириш ёки рақамли технологиялар натижадорлиги асосида ишлаб чиқаришни хавфсиз

тизимга айлантириш заруриятини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда рақамлаштириш заруратини қўйидагилар билан изоҳлаш мумкин. Жумладан:

- асаларичилиқда қўл меҳнати улушининг юқорилиги, асосий тадбирлар қўлда бошқарувда амалга оширилиши оқибатида меҳнат унумдорлигининг пастилиги;
 - жаҳон бозорида ресурслар тақчиллиги кузатилаётган бугунги шароитда асаларичилик тармоғида ресурслар (энергия, озуқа, меҳнат, ёқилғи ва бошқа) сарфини назорат қилиш, уни оптималлаштириш, тежамкор технологияларни жорий этиш зарурати ортиб бораётганлиги;
 - маҳсулот етиштириш ҳажми ва сифатига таъсир этувчи табиий-иклим, био-физиологик ва бошқа омилларнинг асал етиштириш технологик жараёнларига таъсирини комплекс ҳамда индивидуал тарзда баҳолашнинг имконияти пастилиги;
 - ишлаб чиқарилган асал ва асаларичилик тармоғи маҳсулотларининг сифати, миқдори ва асалариларни қишиш ҳамда кўчиш мавсумида озиқлантириш рационини назорат қилиш имконияти чекланганлиги;
 - рақамли технологиялар ривожланиши шароитида ишлаб чиқариш тизимини масофадан бошқариладиган ускуналар кенг жорий этиш имконияти ортиб бораётганлиги;
 - асалариларнинг генетик салоҳиятидан самарали фойдаланиш, асалари уяларини автоматик бошқариш, йиғилган асал, оила таркиби, микроиклим, товуш сигналларини доимий кузатиб бориш зарурати ортиб бориши;
 - ўсимликчилик тармоғида хўжалик юритиш субъектларининг кимёвий воситалардан фойдаланиш муддати ва миқдори, кимёвий препаратлар таркиби ва турлари тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш ҳамда реал вақт режимида асаларичилик хўжаликларига етказиб бериш хизматларининг ривожланмаганлиги;
 - асалари оиласирига кириб келадиган бегона зотларнинг оила маҳсулдорлигига, соғлиги ва харакатчанлигига таъсирини назорат қилиш тизимида зарурият ортиб бораётганлиги ва бокшалар.
- Аммо, мамлакатимиз шароитида асаларичиликни ривожлантириш тенденциялари, яратилган ташкилий-иктисодий ва ҳуқуқий асослар, хўжаликларнинг ташаббускорлиги ҳамда агробизнес мухитидан келиб чиқсан ҳолда таъкидлаш жоизки тармоқни рақамлаштиришда қўйидаги бир қатор салбий ҳолатлар сақланиб қолмоқда. Жумладан:
- асаларичилиқда рақамли технологияларни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тизимининг паст даражада ривожланганлиги;
 - импорт қилинган, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ёки маҳаллий усулда (анъанавий устачилик маҳорати асосида) яратилган қурилмаларни стандартлаштириш, сертификалаш тизими мавжуд эмаслиги;
 - асаларичилиқда рақамли технологиялардан фойдаланиш қоидалари ва умумий меъзонлар, талаблар ҳамда техник кўрсаткичларига оид қўлланмаларнинг етишмаслиги;
 - “ақлли уя”ларнинг ишлаш тизими аксарият ҳолатларда интернет тизимида асосланиши, ўз навбатида асаларичилик хўжаликлари қўчмачи тарзда фаолияти юритиши интернетдан фойдалниш сифатига салбий таъсир кўрсатиши;
 - асалариларнинг келгуси манзилларини белгилаш, мавжуд ўсимликлар тўғрисида дастлабки маълумотларни олиш учун кўмаклашадиган учувчисиз қурилмалар, минидронлардан ҳамда геоахборот ресурсларидан фойдаланишга оид ташкилий тадбирларнинг мураккаблиги;
 - ақлли қишлоқ хўжалиги, шунингдек ақлли асаларичилик каби талаб шаклланиб келаётган таълим йўналишларда мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилмаганлиги, хусусий таълим

муассасаларида тайёрланаётган талабаларнинг амалиёт ўташи учун намунавий рақамлашган асаларичилик хўжаликлари етишмаслиги;


- “ақлли асаларичилик”, “ақлли уя”ларни ташкил этиш ва бошқариш учун STEM (Science, Technology, Engineering, Mathematics) ёндашувга асосланган олий маълумот беришнинг методик асослари мавжуд эмаслиги;

- “ақлли уя” учун зарурый техника воситалар тўлиқ импортга асосланиши ҳамда ишлаб чиқришни маҳаллийлаштиришга мос инфратузилмаларнинг (илмий муассасалар, заводлар, IT парклар) ривожланмаганлиги кабилардир.

Асаларичиликда қўллаш мумкин бўлган рақамли технологиялар сони ва уларнинг техник имкониятлари йилдан йилга ошиб бораётган бўлиб, фан-техника тараққиёти натижасида бир нечта фан йўналишларининг интеграциясига имкон бермоқда.

Йўналишлар кўрсатишича асаларичиликда фойдаланиш мумкин бўлган рақамли қурилмаларнинг энг кенг фойдаланиладигани ҳамда самарадорлиги юкори бўлган технологиялар қўйидагилардан иборат ҳисобланади. Уларни шартли равишда умумий рақамли технологиялар ҳамда бевосита асалари уясида фойдаланиладиган қурилмаган каби гурухлаш мумкин (расм). Умумий фаолият билан боғлиқ техник қурилмалар:

- 3D қурилмалари – бу асаларилар асал йиғиши жарёнида учадиган маълум худуддаги биологик фаол моддаларни аниқлайди ва базага узатади;
- Сунъий йўлдош новигацияси - асаларилар ҳаракатини кузатади;
- Big Data – турли қурилмалардан олинган маълумотларни таҳлил қиласди.



Расм. Асаларичиликда фойдаланиладиган рақамли қурилмалар таснифи

Шунингдек, асалари уясига боғлиқ техник қурилмалар эса қўйидагилардан иборат бўлиб, у асосий натижани ифода этади.

- кимёвий таҳлил – асал ва асалари ҳолатидан заҳарланиш аниқлайди;
- датчиклар – уянинг умумий ҳолатини назорат қиласди;
- товуш сенсорлари – товуш тебранишини таҳлил этади.

Хулоса ва тклифлар

Хулоса қилиб айтиш мумкинки асаларичиликни рақамлаштириш, тармоқда рақамли технологиялардан фойдаланиш ишлаб чиқаришни интенсив ташкил этиш имконини беради. Рақамли қурилмалар орқали асалари оиласидаги ҳар бир жараён бўйича мониторинг олиб борилади. Жумладан, асалари таркиби, ишчи ари, она ари ҳолати, шира ва гул чангини келиш ҳолати, анамал об-ҳавони ари оиласига таъсири, худуддаги кимёвий воситаларни ишлатилиши

бўйича эрта огоҳлантириш тизими каби жиҳатлар назорат қилиб борилади ва ўз вақтига тегишли тадбирларни ўтказиш имконияти вужудга келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Российская цифровая платформа спасёт пчёл от гибели. <https://bigasia.ru/content/news/business/rossiyskaya-tsifrovaya-platforma-spasyet-pchyel-ot-gibeli/>
2. Рахманин В. Выступления на сессии Петербургского международного экономического форума. <http://radrf.ru/index.php/nashi-publikatsii/9-novosti/627-fao-prizvala-pereklyuchatsya-na-umnoe-selskoe-khozyajstvo>.
3. Иванов А. Сельское хозяйство по-умному. <https://iot.ru/selskoe-khozyaystvo/selskoe-khozyaystvo-po-umnому>.
4. Фарманов Ж. Асаларилик тармоғининг ўзига хос хусусиятлари, ўрни ва аҳамияти. Агроиктисодиёт. Илмий-амалий аграр иқтисодий журнал, №2., 2021 й., ҚХООСИИТИ, 37-39 бетлар.
5. Аминов Ф.Б. (2022). НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ КООПЕРАЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. Экономика и социум, (10-1 (101)), 232-237.
6. Аминов, Ф. Б. (2022). УСЛОВИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.
7. Эгамбердиева, С. Р. (2021). ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. Экономика и финансы (Узбекистан), (4 (140)), 42-47.
8. Эгамбердиева, С. Р. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ. «ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ: МУАММО, ТАҲЛИЛ ВА РИВОЖЛANIШ ИСТИҚБОЛЛАРИ» Халқаро илмий-амалий анжуман илмий мақолалар тўплами 20-21 май 2021 й, 460.
9. Jumayeva, G. J. R., & qizi Sultonova, M. O. (2022, December). FERMER XO ‘JALIKLARINING MOLIYAVIY NATIJALARGA TA’SIR QILUVCHI OMILLARNI HISOBBLASH YO ‘LLARI. In INTERNATIONAL CONFERENCES (Vol. 1, No. 18, pp. 127-130).
10. Tursunov, I., Jumayeva, G., & Ostanov, K. (2017). Features of innovation development of the economy Uzbekistan. In *International conference on scientific development in North America* (pp. 43-49).
11. Равшанов А. Д. Абдисалом Дусиёрович, Хасанов Шамсиддин Хафизович, & Алимханова Нигора Алимхановна (2018). Қишлоқ хўжалигини инвестицион-инновацион ривожлантириш имкониятлари ва истиқболлари. Экономика и финансы (Узбекистан), (11), 9-14.
12. Murodova, N. U., Temirova, F. S., Alimkhanova, N. A., Dostova, M. K., & Azimova, K. E. IMPROVING THE CALCULATION OF INVENTORIES OF GOODS IN ACCOUNTING.
13. Эргашева, Н. (2022). Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳисоб сиёсатининг ташкилий-услубий таъминотини такомиллаштириш. *Innovations texnologiyalar*, 1(04), 108-111.

14. Azimova, H. E. (2022). ISSUES OF DEVELOPMENT OF FOREIGN TRADE WITH THE HELP OF FOREIGN INVESTMENTS. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 183-188.
15. Эгамбердиевна, А. Х. (2021). ХОРИЖЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ХҮКҮҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРНИНГ АХАМИЯТИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).
16. Azimova, H. E. (2022). INCREASING INVESTMENT ATTRACTIVENESS OF REGIONS. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 178-182.
17. Azimova, H. E. (2022). ISSUES OF DEVELOPMENT OF FOREIGN TRADE WITH THE HELP OF FOREIGN INVESTMENTS. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 183-188.
18. Музаффарова, К. З. (2021). МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Архив научных исследований*, 1(1).
19. Музаффарова, К. З. (2019). Роль иностранных инвестиций в развитии национальной экономики Узбекистана. *Экономика и предпринимательство*, (1), 411-414.
20. NORMAMATOVICH, K. O., EGAMBERDIYEVNA, A. K., & HAKIMOVICH, B. K. Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework. *JournalNX*, 6(05), 53-56.
21. Khakimovich, B. K. . (2022). Development of Private Capital Financial Statement Audit Methodology in Accordance with International Standards. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 299–303.
22. Farmanov , J. Z., Rimboyeva , N. X. qizi, & Rimbayeva , G. X. qizi. (2023). QISHLOQ XO'JALIGINI RAQAMLASHTIRISHDA XORIJ TAJRIBASIDAN FOYDALANISH. GOLDEN BRAIN, 1(1), 231–236. Retrieved from
23. Farmanov J. UKRAINIAN EXPERIENCE IN DEVELOPING THE BEEKEEPING NETWORK IN OUR COUNTRY //European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2022. – Т. 2. – №. 09. – С. 66-69.
24. Ochilov, A. O., Ostonov, E., Shodiev, B. T., Ergashev, T. S., & Khakkulov, F. F. (2022). Modern Approaches To Management Of Training Of Highly Qualified Personnel In The New Uzbekistan Higher Education System. *Journal of Positive School Psychology*, 6(10), 2432-2442.
25. Шодиев Б.Т. ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПАСТБИЩ // Экономика и социум. 2022. №10-1 (101). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/prioritetnye-napravleniya-effektivnogo-ispolzovaniya-pastbisch> (дата обращения: 28.02.2023).
26. Бердиев, А. Х., & Расулов, Х. К. (2020). Туризм-перспективный сектор экономики Узбекистана. *Economics*, (2 (45)), 14-18.
27. Hakimovich, B. A. (2021). Prospects for Innovative Agricultural Development. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 350-356.
28. Туробов, Ш. А. (2021). ҚИШЛОҚ УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИДА АЁЛЛАР МЕХНАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 4(5).
29. Turobov, S. A., & Faxriddinov, B. F. (2021). DEVELOPMENT OF HOME-ENTREPRENEURSHIP-GUARANTEE OF AGRICULTURE STRATEGY. *International journal of trends in marketing management*, 9(1).

30. Усанов, А., & Раҳмонқул, Д. (2019). Ўзбекистон иқтисодий ривожланишида камерал назоратнинг тутган ўрни. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (11), 55-60.
31. Джалилов, Р. (2023). ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИФИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР ҲИСОБНИИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Economics and education*, 24(2), 272-278.
32. Iskandarovich, R. R. (2022). QISHLOQ XO ‘JALIGIDA AGROKASTERLARINI BARPO ETISHNING XORIJ TAJRIBALARI. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 390-394.
33. Рашидов, Р. И., & Муртазаев, Н. Р. (2020). DIRECTIONS OF INNOVATIVE AGRICULTURAL DEVELOPMENT. *ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ*, 2(7).
34. TUYGUNOVICH, A. A., OGLI, S. O. A., & QIZI, K. Z. K. Problems of Improving Stock Market Trading Mechanisms in Uzbekistan. *JournalNX*, 6(07), 330-334.
35. Aliqulova, A. (2020). ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF SECURITIES OF COMMERCIAL BANKS AT THE RSE “TASHKENT”. *International Finance and Accounting*, 2020(1), 13.
36. Маматов, А. А., & Хуррамов, А. Ф. (2017). Иностранные инвестиции как фактор экономического роста Республики Узбекистан. *Экономика и предпринимательство*, (10-2), 98-101.
37. Хуррамов, А. (2012). О монографии ИС Абдулаева «ПРОГНОЗИРОВАНИЕ СОЦИАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНА». *ва молия Экономика*, 50.
38. Хуррамов, А. Ф. (1993). Арендные отношения и пути их совершенствования в условиях перехода к рыночной экономике (на примере хлопководческих совхозов).
39. Узоков, Н., Хушмурадов, О. Х., & Бабаева, Л. (2014). РОЛЬ ИНВЕСТИЦИИ В МОДЕРНИЗАЦИИ И РАЗВИТИИ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ. In *ФЕНОМЕН РЫНОЧНОГО ХОЗЯЙСТВА: ОТИСТОКОВ ДО НАШИХ ДНЕЙ* (pp. 376-378).
40. Oman, X., & Alisherovich, T. S. (2022). THE ROLE AND IMPORTANCE OF CLUSTERS IN THE AGRICULTURAL SECTOR. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 202-206.